

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан
2024 йилнинг 12 ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг
муурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида

А Х Б О Р О Т

Мухтарам Президентимиз томонидан ўткан 2024 йилни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, халқ билан мулоқот ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очик мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек ёшлар ҳамда тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Telegramm”, “Веб-сайт” ва “Facebook”даги расмий саҳифалари орқали туну-кун муурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда. Ёшларни қийнаб келаётган муаммоли масалалар ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг “Ёшлар муурожаати” веб-сайти ва Call-center орқали муурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизими жорий этилган.

Мунтазам равишда 4 та сектор раҳбарлари иштирокида жойларда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимлигига 2024 йил 12 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан **жами 4 454 та** муурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **3 028 та (ёки 68%)** оғзаки, **1076 та (ёки 24%)** ёзма ва **343 та (ёки 8%)** виртуал муурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2023 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **7 643 тани** ташкил этгани ҳолда **3 189 та (ёки 42%)га** камайган.

2024 йилнинг 12 ойи давомида **вилоят ҳокимлигида** раҳбарлар томонидан **жами 3 028 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, **2023 йилнинг ҳудди шу даврида** бу кўрсаткич **3 978 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **950 нафарга (ёки 24%)га** камайган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 12 ойи мобайнида вилоят ҳокимлигига фуқаролардан тўғридан-тўғри жами **1076 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **2 502 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **1 426 тага (ёки 57%)га камайган.**

Шунингдек, жорий йилнинг 12 ойи мобайнида вилоят ҳокимлигига Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жами **343 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **1000 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **657 тага (ёки 66%)га камайган.**

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туришини инобатга олган ҳолда мурожаатларни бевосита муаллиф иштирокида ўрганиш, кўтарилган масалани ҳал этиш ёки қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича тушунтириш бериш амалиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 936 та (21%), Давлатобод туманида 439 та (10%), Уйчи туманида 434 та (10%) ва Янгиқўрғон туманида 348 та (8%)** ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар Уй-жой ва ер майдони олиш **1 224 та (ёки 27%),** Моддий ёрдам аржатиш **534 та (ёки 12%)** ва Иш ва иш хақи масалаларида **265 та (ёки 6%)ни** ташкил этади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича

2024 йил 12 ойи давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига жисмоний ва юридик шахслардан жами **21 805 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **9 904 та (ёки 45%) оғзаки,** **5 705 та (ёки 26%) ёзма** ва **6 196 та (ёки 28%) виртуал** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2023 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **31 730 тани** ташкил этгани ҳолда **9 925 та (ёки 31%)га камайган.**

2024 йилнинг 12 ойи давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларида раҳбарлар томонидан **9 904 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, ўтган 2023 йил январь ойида бу кўрсаткич **11 322 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1 418 тага (ёки 13%)га камайган.**

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** фуқаролардан тўғридан-тўғри жами **5 705** та ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023** йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич **7 778** тани ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **2 073** тага (ёки **27%**)га камайган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** фуқаролардан Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жами **6 196** та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023** йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич **11 090** тани ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **4 894** тага (ёки **44%**)га камайган.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 2222 та (10%)**, **Мингбулоқ туманида 1460 та (7%)**, **Янгиқўрғон туманида 1622 та (7%)** ва **Косонсой туманида 1415 та (6%)** ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар Моддий ёрдам аржатиш **2446 та (ёки 11%)**, Уй-жой ва ер майдони олиш **1 706 та (ёки 8%)**, Соғлиқни сақлаш масалаларида **1036 та (ёки 5%)** ва Оила масалаларида **805 та (ёки 5%)**ни ташкил этади.

Мурожаатларни қаноатлантириш даражаси кўрсаткичлари **паст бўлган ҳокимлик – Янгиқўрғон туман ҳокимлиги 73 %** қайд этилди.